

Туркистон

Элим деб, юртим деб,

ёниб яшаш керак



1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 24 май Шанба. № 40 (14432)

Жаранга йўлларим

бўйсин оқ,

Сўнги қўнғирок

Қабил қирларига

жаранга

Жаранга, болалик

юртида

Сени тўққилганлар бедор

қўғоқ,

Сўнги қўнғирок.

МАРҲАБО ФЕСТИВАЛЬ

Мустақиллик боис кўра ва тароват касб этиб бораётган Ватанимиз пойтахти кўпга халқаро анжуманлар ўтказиладиган марказга айланиб бормоқда.

22 май куни Халқлар дўстлиги саройи республика жамоатчилиги вакиллари, маданият ва санъат намоёндалари, кино мухлислари билан гавжум бўлди. Саройга Тошкентда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ҳам ташриф буюрдилар. Бу ерда XII Тошкент Халқаро кинофестивалининг тантанали очилиш маросими бўлди. Шаҳар ҳокими Козим Тулаганов тантанали йиғилишни очар экан, ташкилий кўмитани номидан фестивал иштирокчилари ва меҳмонларини Тошкент заминидан муворабқод этди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг фестивал қатнашчиларига йўлаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Уткир Раҳматов ўқиб эшиттирди. ЮНЕСКО бош директори Федерико Майор табригини мазкур халқаро ташкилотнинг Ўзбекистондаги вакили Берри Лейн ўқиб берди.

...Йиғилганларнинг қизгин оқшохлари остида анжуман байроғи кўтарилди. Муҳташам зал бўйлаб фестивал мадҳияси янгради.

Машҳур адиб, мазкур киноанжуман танлов ҳайъати раиси Чингиз Айтматов йиғилганларни самимий қўлаб, ҳайбат аъзолари билан таништирди. Улар орасида жаҳоннинг турли мамлакатлари вакиллари - киноюлдузлар, режиссёрлар, мутахассислар бор.

Бу галги киноанжуман санъаткорларнинг чин маънодаги очик кўриги ва мусобақасидир. Шу боис, фестивал голиблари учун таъсис этилган салмоқли совринлар кеча қатнашчиларига намоийш этилди.

Тошкент кинофестивали «Умуминсоний кадриятлар ва миллий тараққиёт» шиори остида ўтаётганида теран рамзий маъно бор.

Зеро, умуминсоний кадриятлар турли эл ва элатларнинг эзгу тилаklarини, интилишларини ўзида

муҳасам этса, юксак миллий тараққиёт барча халқларнинг азалий орузсини ифодалайди.

Фестивал дастури доирасида намоийш этиладиган фильмларда бу ёрқин ҳақиқат яна бир қарра намоён бўлса ажаб эмас. Шу маънода, Тошкент кинофестивалининг аҳамияти, унинг халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш борасидаги ўрни беқийсидир. Фестивал фильмлари кино мухлислари қалбига учмас таассурот қолдиради деб умид қиламиз.

Тошкент кинофестивалида жаҳоннинг 32 мамлакатаи ҳамда саккиз халқаро ташкилотдан кино ва санъат арбоблари, олим ва мутахассислар иштирок этмоқда. Нуфузли фестивал ҳайъати расмий танловга қўйилган фильмларни Киночилар уйида кўриқдан ўтказиб баҳолайди. Фестивал кунлари «Кино бозори» ишлаб туради.

Анжуманга тахт қилиб қўйилган пойтахтимиздаги олти кинотеатрда фестивал фильмлари томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади.

Шуниси қувончлики, фестивал қатнашчилари мустақиллик йилларида Ўзбекистон эришган ютуқлар, меҳмондўст ва бағри кенг халқимиз билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Меҳнат жамоаларида, илм даргоҳларида, ижодий уюшмаларда кино юлдузлари, анжуман меҳмонлари билан учрашувлар бўлиб ўтади. Кино санъатини янада ривожлантириш борасида мутахассислар тажриба алмашадилар, бир-бирларининг эришган ютуқларидан баҳраманд бўладилар.

Фестивалнинг очилиш маросимида Ўзбекистон санъат усталари ва ижрочи ёшларининг катта концерти намоийш этилди.

Маросимда Республика Бош вазири ўринбосари Алишер Азимжўяев қатнашди.

ЎЗА



ХАЙР МАКТАБ, АССАЛОМ КЕЛАЖАК!

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

Маълумки, яқинда пойтахтимизда «Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари» мавзуда конференция бўлиб ўтган эди. Барча вилоятлар, тегишли вазирлик ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтказилган мазкур анжуманда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилаш, таълим-тарбияси ва маънавиятини шакллантириш, уларда юксак ватанпарварлик ва миллий тотувлик туйғуларини камол топтириш борасида муҳим тавсиялар ишлаб чиқилган эди. Шу кунларда жойларда бу борадаги аҳолини чуқур таҳлил этишга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.

Тошкент шаҳри ҳокимлигида ўтказилган анжуманда ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол вояга етказиш борасида шаҳар жамоат ташкилотлари олдида турган вазифалар, ёшларнинг билим олиши, ишлаши ва дам олиши учун зарур шароитни яратиш масалаларига асосий эътибор қаратилди.

Анжуманда Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Фулмова сўзга чиқди.

Тошкент вилояти ҳокимлигидаги йиғилишда эса мамлакатимизда юксак маърифатли, улкан соҳаюштарли ёш авлодини тарбиялаб вояга етказиш фойдаланиш вакиллари билан таъкидланди. Барча ҳокимликлар, тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарларига бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш юзасидан тавсиялар берилди.

Анжуманда вилоят ҳокими Э.Рўзиев сўзга чиқди.

ЎЗА

ХОРИЖДАН САДО

МАДРИД. Испаниянинг Сантьяго де Компостела шаҳрида Халқаро Тараққиёт Жамиятининг умумжаҳон конференцияси иш бошлади.

Дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган танikli иқтисодчи ва жамиятшунос олимлар, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этаётган ушбу анжуманда бутун жаҳондаги иқтисодий ҳолат билан боғлиқ масалалар муҳокама этилмоқда. Анжуманда БМТ Бош котиби Кофи Анан ҳам қатнашаётди.

Конференция 115 мамлакат аъзо саналадиган Халқаро Тараққиёт Жамияти ташкил топганига 40 йил тулиши муносабати билан ташкил этилган.

БРЮССЕЛ. НАТО кенгаши «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурини янада фаоллаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги тамойилларни маъқуллади. Айни пайтда мазкур масала бўйича режа тайёрланаётди. Маълумки, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури 1994 йили НАТО раҳбарлари томонидан собиқ Варшава шартномасига аъзо давлатлар, шунингдек, Европадаги бетараф мамлакатлар учун тақдир этилган эди.

АЛМАТИ. Қозғоғистон пойтахтида Каспий денгизининг ҳуқуқий мақомини белгилаш учун тузилган махсус ишчи гуруҳининг биринчи мажлиси бошланди. Унда Озарбайжон, Россия, Эрон, Туркманистон, Қозғоғистон ташки сибас таҳриратлари вакиллари иштирок этмоқда.

Маълумки, Каспийга «денгиз» ёки «кўл» атамаларидан бирини бериш билан шунга қараб уни тақсимлаш ҳамда мазкур беш давлатнинг Каспийдан умумий тарзда фойдаланиш масалалари шу кунгача мунозаараларга сабаб бўлиб келмоқда. Ишчи гуруҳи мажлисида айни шу мавзу билан боғлиқ масалалар муҳокама этилмоқда.

Ушбу махсус ишчи гуруҳи ўтган йили октябр ойида Ашгабадда бўлган Туркманистон, Россия, Қозғоғистон, Эрон, Озарбайжон ташки ишлар вазирларининг учрашувида ташкил этилган.

ТЕХРОН. Эрон пойтахтида Тожикистон ҳукумати ва бирлашган тожик муҳолифати ўртасидаги музокараларнинг навбатдаги босқичи бошланди. Унда муҳокама этиладиган асосий масала икки томон ўртасида Бишкекда имзоланган ҳужжатни ҳаётга таъдиқ этиш билан боғлиқдир.

Маълумки, шу йилнинг 18 май куни Қирғизистон пойтахти - Бишкекда Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ва бирлашган тожик муҳолифати раҳбари Саид Абдулло Нурий ўртасида сиёсий масалалар бўйича ҳужжат имзоланган эди.

Қилмиш-қидирмиш

Шаҳар судидаги... ТОВЛАМАЧИЛАР

Давлат автомобиль назорати ходимлари тақдими юзасидан шаҳар суди бир йил муддатга автотранспортни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисида чиқарган қарорлари Намангандаги маст ҳолда машина ҳайдашга ўрганиб қолган кишиларга қаттиқ сабоқ бўлди.

Суд қарори чиққандан сўнг бир оз вақт ўтган, ҳайдовчидан тортиб олинган шифёрлик гувоҳномаси бевосита айбдорнинг уйига келтириб берилди. Бу ҳужжатларни келтирган шаҳар суди котиблари У.Абдуғафоров билан И.Миржалилов суд томонидан жазо тайинланган йўл ҳаракати қондамини бузувчилардан «арзимаган миқдорда», уч минг сўм жарима тўлашни талаб қилишди. Жарима тўловчилар ёнида талаб қилинган миқдорда пул бўлмаса, «суд ҳокимияти вакиллари қайсарлик қилиб ўтиришмади - берганини олаверди». Масалан, Р.К. деган шахсдан фақат 1900 сўм ундиришди. Суд томонидан ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилган Б.Г. ҳаменида 700 сўмдан ортиқ пул йўқ экан. Оз бўлса ҳам суд котибларининг чунтагига ўтди.

Маълум бўлишича, бу операцияларга Наманган шаҳар суди архивининг ходими А.Қаҳҳоров раҳбарлик қилган экан. Вазифаси суд томонидан мусодара қилинган ҳужжатларни сақлашдан иборат бўлган бу шахс ушбу ҳужжатларни қисман соғина берилиб кетди.

Бундай тижорат билан қачонгача шуғулланиши номаълум эди, фақат жиноий тижорат қутулмаганда барбод бўлди. Уларнинг гаражи ишлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддасига мувофиқ ҳужжатларни уғирлаш ва товламачилик деб баҳоланди. Шаҳарнинг Давлатобод тумани суди жиноятчиларга турли жазо чораларини белгилади.

Н.Хужаева, ЎЗА мухбири.

ИСТЕЪДОДЛИЛАР «ТУРКИСТОН» МЕҲМОНИ

Ота мерос замин бағрида камолга етган буюк аждодлар руҳи қалбга жўшқинлик, яратувчанлик туйғусини бахш этаркан, мустақил ватану халқ қаддини тарих қаъридан қинот қадар юксалтира оладиган ёшлар етишиб чиқажак.

«Туркистон» газетаси тахририяти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва «Улғубек» жамғармаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон истеъдодлари давлат эъзозиди» мавзусида давра суҳбатини уюштирди.

Унда республикамиз турли вилоятларидан келган ўттизга яқин истеъдод соҳиблари - ёш шоирлар, олимлар, ўқувчи ва талабалар, шунингдек, Ўзбекистон ва Нью - Йорк Фанлар академиялари академиги Раҳим Бекжонов, таниқли адиб ва журналист Мақсуд Қориев, «Улғубек» жамғармаси бош директори Исфандиёр Латипов ҳам иштирок этдилар.

(Давра суҳбати ҳақидаги батафсил ҳикоя-мизни газетамизнинг кейинги сониди ўқийсиз).

Келтирик РҲҲНИНГ ҚАЙТИШИ

Тарихда шундай улуг сиймолар борки, улар бу кўхна оғузда тоқим ҳаёт давом этар экан, мангу яшайдилар. Қўнғилимизга ўзлик турпурини бахш этадилар. Шундай сиймолардан бири Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Берунийдир. У 973 йили Хоразмнинг африғийлар даври пойтахти бўлган Кат шаҳрида дунёга келган. Олимларнинг маълумот беришича, мазкур шаҳар ҳозирги Беруний шаҳри атрофида жойлашган бўлиб, кейинчалик дарё тоқшини сабаби йўқ бўлиб кетган. Абу Райҳон Берунийнинг ёшлиги долғали давраларга тўғри келади. 1017 йилда Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун улдиридиб, Хоразмни Маъмун Фазнавий босиб олди ва бошқа олимлар қатори ёш олим Абу Райҳон Беруний ҳам Фазна шаҳрига олиб кетилади.

Ана ўша сана, ўша кун буюк олимнинг пешонасига ватангадолик қисматини ёзгандир, балки. Ана ўша кун Беруний болалигида соҳилда чиганчоқлар териб ўйнаган Жаҳон дарсинга сўнги бор термулбў юм-юм йиғлагандир. Балки ўша кун «Сайлана» асарни яратилиши учун илҳом, куч-қувват бахш этган Хоразм заминининг шифобахш гиёҳларини охириги мартаба киприқлари билан тавоф этгандир у.

Беруний Фазнавий ҳукмига бўйсунганча олис ўлкаларга кетди. У она - Ватанини жондан азиз қўлади. Шу боис илм озиқлатини намоён этиб, оламга дунёнинг бир бурчида Хоразмий замин борлиги, ўзининг шу муқаллас, юрт фарзанди эканлигини баралла танита олди. Бир ўз элликлдан ортиқ асарлар яратиб, жаҳон фани олами

Эрпўлат Бахт

САНЪАТКОРЛАР УЧРАШУВИ

Ўн иккинчи Тошкент халқаро кинофестивали қатнашчиларидан бир гуруҳи - Япония, Франция, Хиндистондан келган меҳмонлар 23 май куни Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-матрифий алоқалар жамиятлари кенгаши аъзолари билан учрашди. Кенгаш раиси Жамоллиддин Бўронов меҳмонларни юртимизга ташрифидан кўлаб, жаҳон халқлари маданияти, тарихи, умуман ҳаёт тарзи билан таништиришда кино тобора катта аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

«Ўзбекракс» бирлашмаси «Баҳор» ансамбли ижросидаги концерт учрашув қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

ЎЗА

Бу турфа олам

Ўхшатмасдан учратмас

НЬО-ЙОРК. «Си-Эн-Эн» телекомпаниясининг машҳур шарҳловчиси Лэрри Кинг еттинчи бор уйланишга жазм қилди.

63 ёшни уриб қўйган қуввнинг навбатдаги қайлиги 37 ёшли Шон Сауфлик исмли аёл бўлиб, у айни вақтда мусика билан шуғулланади. Шунингдек, ҳушқомат миссис Сауфлик телерекламлаларда ҳам қатнашиб туради. Лэрри Кинг у билан бир ёстиққа бош қўйганларнинг учинчиси бўлади.

Ҳаракатда баракат

ГАВАНА. Австралиялик 22 ёшли Сьюзи Марони Куба билан АҚШни ажратиб турадиган Флорида бўғозидан сузиб ўтишга муваффақ бўлди. 144 километрлик масофанинг адоғига етиш учун унга бир кеча-кундуздан зиёдроқ вақт керак бўлди.

18 йилдан бўён сузиш билан шуғулланиб келаётган Сьюзининг бўғозни «маҳв этиш» йўлидаги ўтган йилги ҳаракатлари муваффақиятсиз яқунланган эди. Энди эса ниҳоят мақсадга эришилди. Айтиш керакки, бу

муваффақият Сьюзининг биринчи «мўъжизаси» эмас, у 93 километр масофани 24 соатда сузиб ўтиб, Гиннеснинг рекордлар китобидан жой ҳам олган. У Ла-Манш бўғозини барчадан тез сузиб ўтган абжир сузувчидир.

Тадбиркор бўлиш осонми?

РИМ. Италия жанубида жойлашган Бари шаҳри марказидаги энг гавжум меҳмонхоналардан бирининг ҳовлисида ёш тадбиркорлар ва менежерлар учун гаройиб тайёргарлик машқи ўтказилди.

Ҳовли саҳнига ҳали чўғи ўчмаган кўмир ётқизилди. Махсус буйруқдан сўнг бўлгуси тадбиркорлар - ўқув машқи иштирокчилари бу «чўғ гилам»дан оёқланган югуриб ўтишди. Маълум бўлишича, бу «имтиҳон» тадбиркор бўлишни хоҳлаган италиялик ёшларнинг иродаси ва ички қудратини синаш учун қўйилган экан. Италиялик мутахассисларнинг таъкидлашича, тадбиркор учун ирода ва ички қудрат хамиша муҳимдир.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиёт билим юрти 28 май куни абитуриентлар учун «ОЧИҚ ЭШИКЛАР» кунини ўтказди. Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри Чилпонор тумани, Чилпонор кўчаси, I квартал 9 уй. 2.94.34.77.50.80 - Автобуслар. 6.7.11.16 - Троллейбуслар 4, 9 - Трамвайларнинг «ЧИПОНОР» бекати, метронинг «ХАМЗА» бекати.



ДУА ИЗОРИ

ҚЎНҒИРОҚ

Қўнғироқ... Бу нарсага авваллари унчалик эътибор бермаган эканман. Ҳар кун роппа-роса 8.00 да чалинадиган... Катта папкаларини кўтариб, мактаб томон шошилатган болаларга назар солганми-сиз?...

УСТОЗ

Шодивой ака бекатда хаёл суриб тураркан, машинанинг тўхташидан ўзига келди. Қарадио, бу машинани танимади. Шунинг учун яна бефарқ ҳолатда автобус келар йўлга кўз тикди.

ОҚ ЙЎЛ

Ургут туманида ал Хоразмий номидаги 116 - ўрта мактабни вилоят ҳам яхши билишади. Бу йил мактаб ўз ҳуқуқидан 30 нафар болани ҳаёт осмонига учирма қилди.



Катта танаффусдан ёзи таштима

ЭНГ ЁРУҒ МАСОҒА

Болаликнинг туйғулари ардоқли. Рағзлари бетакрор. Хотиралари кўнгли кенгликларига нурдан поёндоз тўшади, кўзларга чўк ташлайди. Гўё ўша беғубор кунлар худди кечанига ўз берандек ҳаёда қайта-қайта жонланаверади.

Биринчи кўнғироқ чалиниб синфга кирганимизда, ўқитувчи бизни ўқув йилининг бошланиши билан қутлади. - Энди сиз кечаги боғча болалари эмас, мактаб ўқувчиси бўлингиз, деди у.

ДАРИҶА

Шиб-пишиб қилган жавобларимизни тинглаб, ўқитувчи жилмайиб кўрди. Шунда дафъатан биз ўқитувчининг саволига тулдик: - Узингиз-чи? Узингиз кимни кўпроқ яхши кўрасиз? - Мен. - Мен сизларни яхши кўраман! - дедилар. Кейин, англадик: "Устоз" учун биз шунчаки, оддий бир ўқувчи эмасмиз?...

ЭРТАГА ҚАНАҚА ҚИЛДИК...

"Эртага қанақа дарслар бор?" Дугонам саволимдан ҳушёр тортиб ташвиш билан жавоб берди: "Эҳ, тарихдан яхшилаб ўқиш керак Санобар опойнинг дарси бор". Мен эса ундан-да ташвишли оханда: "Ай-тандай Имомназаровнинг ҳам дарси бор-а... Домла бир дунё масала берганди-я" - дейман сумкамни у елкамдан бер елкамга олиб. Қўлларимдан тутиб борчадан келаятган синглим эса ҳадеб хархаша қилади: "Опа-жон, шўмкангизни мен кўтай. Мен кўта-яй". Қийин масалалар елимга тушиб сикилиб қолганим учун уни уришиб берман: "Жим кетсанг-чи, ахир, бир кун безор бўларсанам сумка кўтариб".

ҚИМ-ҚИМГА ҲАВАС ҚИЛЯМИ?

Ким-қимга ҳавас қиляпти? Меҳмонхона "КАТТА ТАНАФФУС" ЛИК ИГИТ

Сўхбатдош: Катта танаффус кўрсатувининг бошловчиси Насриддин Асриддинов. Маълумоти: ТошДУнинг хорижий филология факультети рус гуруҳини 1995 йилда тамомлаган.

ЙИГИРМА БИР ЙИЛДАН СЎНГ

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 95-мактабнинг солиқ 1976 йил битирувчилари учрашишди. Урашув ўз-ўзидан ҳажжон-у, ҳайқириларга бой бўлди. Бўлмаслиги мумкинми ахир. Битта савал ўн йил бир оҳладай бўлиб яшаш, бир-бирининг кўнглига, ташвишига шерик бўлмоқлик. Оралдан Йигирма йил ўтиб, ёшлиқнинг олов оилари ўтган мактабда учрашил ҳаммага ҳам насиб этвермайдик-ку!

МАВЛУДА РАСУЛОВА

Уқитувчиларимга қанчалик қийин бўлганини ўзим ўқитувчи бўлганидан кейин англаб етдим. Бир ўқувчи ҳарф ўргатмоқлик қанчалик қийин. Боғбон эккан ниҳонини бир фасл парвариш қилади. Уқитувчи эса ўн йил. Мевасини териб учун яна йиллаб вақт керак. Агар мендан дунёдаги улуг зот кимлигини сўрашганда ўқитувчим деган бўлардим.

Лайло, "Туркистон" мухбири.

МЕН СЕНИ...

Синфхона. Тўғи гебор. Парталар. Ойнадаги эрқироқ нигоҳлар. Сўзсиз сўзларди сирларини. Бизлардан кўрқарди нигоҳлар.

Бир кун... Тишиндан тарсимаб. Бир калон отинди: "Себанак!" Бўчунлар ёриғди қарсимаб, Чилмадим, ётирғдай себанак...

Улғайдик... Ҳўв мактаб ҳовисини Марк эиғди биз босган нурғак из. Мунғайдик, стинғай мунғайдик, Севилик севиғдош, севиғсиз!

Айриғдик... Соғиниғк боғиғда Кўйиғлар кетди-ей кинғарини. Бўчунларим шатоми ҳинғираб, Бўғдим-а, не соғлар кинғарини.

"Себанак..." сўғи яна нега бор Эшинғиди беғога тинғарғак. Мен Лайли бўлмағди қиларға, Сен Мағжун бўлмағди кўнларға!

Болалик... Олис ёр олти ёш... Наҳот, у кўнларға қайтмайман?! Ай, мени кўнларға кинғарини, Мен сени... Айтмайман!..

"Себанак..." сўғи яна нега бор Эшинғиди беғога тинғарғак. Мен Лайли бўлмағди қиларға, Сен Мағжун бўлмағди кўнларға!

Болалик... Олис ёр олти ёш... Наҳот, у кўнларға қайтмайман?! Ай, мени кўнларға кинғарини, Мен сени... Айтмайман!..

Болалик... Олис ёр олти ёш... Наҳот, у кўнларға қайтмайман?! Ай, мени кўнларға кинғарини, Мен сени... Айтмайман!..

Болалик... Олис ёр олти ёш... Наҳот, у кўнларға қайтмайман?! Ай, мени кўнларға кинғарини, Мен сени... Айтмайман!..



ҚИМ-ҚИМГА ҲАВАС ҚИЛЯМИ?

МЕҲМОНХОНА "КАТТА ТАНАФФУС" ЛИК ИГИТ

Кайси бошловчиларнинг кўрсатувлари сизни қониқтарди? - Мен кўпроқ Севиғк Далаҳужаеванинг кўрсатувларини ёқтирар эким. Афсус унга ўз ихтидорини очилмаган қирраларини намойиш этиш насиб этмади. Севиғк инсонлар қанбади билан бўлиб қолди. У қиска яшайди, лекин қақиндай қақнаб яшайди.

Борди-ю, сизга имкон берилса нима тилаган бўлардингиз? - 5 ёшли, беғубор гўдакка айланиши хоҳлардим бўлардим. Болаликка қайтши мен учун энг олий БАХТ. - Мактаб хотиралардан нимани кўпроқ кўйсаязди. - Болалик. - Битирувчиларга айтар сўзингиз. - Сўнғи кўнғироқдан бир кун олдин ё бир кун кейин хафа қилган ўқитувчингиз ёки синфдошнингиздан кечирим сўрашни унутманг.

КЎЗИҚУВЧИЛАР УЧУН МАХСУС

Насриддин Асриддиновнинг мактабни тугатганига бу йил роппа роса 7 йил бўлади. Синфдошлари билан тез-тез учрашиб туради. (Албатта имконият бўлса). Кескайтанларни ёмон кўради. Мақсади: Юлдуз бўлиш эмас. Осмонга юлдуз ҳам кун келиб ёништига ишонмайди. Ҳозирча қирини ўзи ювади. Қийган кийимлари ўзига доим турғи келавермайди. (Истаганича бир унинг бутун таомларини, яхши кўради.

ФЕРУЗА ОРИПОВА "ТУРКИСТОН" МУХБИРИ

Уйда тўртинчиси бўлсам ҳам 3 та опамдан кўра болаларни менга ишондиларди. Бола билан негадир жула тез тил топишардим, ҳеч кимга кўнмаган бола ҳам мен билан овунарди. Боланинг тилини тушуниб қолганим учунми, улар билан ишлаш мен учун қизиқ. - Болалардан дўстингиз кўп бўлса керак? - Ҳа, "Насриддин ака", деб мурожаат қилганларда теримга сиймаг кетаман. "Катта танаффус" кўрсатуви дастлаб эфирга чиққанда "Кока-кола" фирмаси хомий эди. Кўча-қуйда, автобуса исом билан эмас ана "Кока-кола" деб аташарди.

Ҳозир эса Чорсу бозориданги сотувчи ҳам, трамвайдаги ўқувчи ҳам, ҳатто кўнлиларим ҳам "Ширинбо" деб чакки радиолар. Чўнқ кўрсатувнинг хомийси "Нуррафшон" фирма...



ДУШАНБА, 26

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури. 8.00—8.30 «Хафтаном».

8.30 «Ўзбектеlevision» намоиш этади: «Басткар Мухторжон Муртазоев». 9.05 «Замин фидойилари». Тележурнал. 9.30 «Алдар Куса». Мультфильм. 9.45 «Табит шайдола».

10.00 Янгиликлар. 10.05 Абдулхамид Чўпон. «Асорат». Йўлдош Охунбоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театрининг спектакли. 11.55 «Шифокор экран».

12.25 «Дил тароналари». Фильм-концерт. 12.40 «Кушқондан чиққанда». Бадий фильм. 14.00—14.05 Янгиликлар. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Эркатой».

18.25 Мустақиллик кубоги. Бокс бўйича Халқаро турнир. 19.05 «Катта танаффус» янгиликлари. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.50 Ўзлонлар. 19.55 Биржа ва банк хабарлари. 20.15 Оқшом эртакла-ри. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Буюк келажак сари».

21.20 «Саҳна ҳаёти». 21.40 «Маърифатнома». 22.20 XII Тошкент Халқаро кинофестивали. «Муштарак диллар экран».

18.35 «Куйини топинг». Телеуйин.

19.00 Душанба кунн Познер билан. «Николаблаг киши» дастури.

19.45 Хайрли тун, кичкин-тойлар! 20.00 «Время».

СЕШАНБА, 27

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури. 8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Гулна, яшна, Она-Ватаним». Фильм-концерт. 8.55 Биржа ва банк хабарлари.

9.15 «Морена Клара». Теле-сериял. 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Изланиш самаралари». 10.25 «Шарқ тароналари». 10.40 «Бува, Килиан ва мен». Бадий фильм. 14.00—14.05 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Кизикари учрашувлар». 18.25 Дилнавоз садолар. 18.35 «15 дақиқа спорт ҳақида».

18.50 «Замон билан ҳамнафас». 19.05 «Тасаввур олами». 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Калкон». 20.15 Оқшом эртакла-ри. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар.

21.00 «Буюк келажак сари». «Иқтисодийёт чорраҳалари-да». 21.20 Дилнавоз садолар. 21.35 Бухоронинг 2500 йиллигига. «Бухорон Шариф».

ЧОРШАНБА, 28

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури. 8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Маънавият. «Оҳанглардан таралган меҳр». 8.45 «Ўзбектеlevision» намоиш этади: «Хунари бор, хор бўлмас».

9.05 «Алломиш авлодлари». Миллий кураш. 9.40 «Инсон манфаатлари йили». 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Дорбозлар». Қўқон шаҳридаги дорбозлар ва кўчирчоқ театрлари фестивали.

10.25 Янги алифбони ўргани-миз. 10.55 «Самсон ва Салли». Мультфильм. 11.55 «Изланиш самаралари». 12.25 «Шарқ тароналари». 12.40 «Бува, Килиан ва мен». Бадий фильм.

14.00—14.05 Янгиликлар. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Уйку салтанати». Мультфильм.

18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...». 18.25 Дилнавоз садолар. 18.35 «15 дақиқа спорт ҳақида».

18.50 «Замон билан ҳамнафас». 19.05 «Тасаввур олами». 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

8.35 «Исмоил Жалилов куй-лайди». Фильм-концерт.

8.55 «Иқтисодийёт чорраҳалари-да». 9.15 «Морена Клара». Теле-сериял.

10.00 Янгиликлар. 10.05 Алифбо сабоқлари. 10.35 «Кичкинтой устaxonаси». 11.00 «Ўзбектеlevision» намоиш этади: «Кизикчи».

11.55 А. С. Пушкин. «Олтин балиқча». Хоразм давлат кўчирчоқ театрининг спектакли. 12.35 «Эдгар ва Кристина».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Уйку салтанати». Мультфильм.

18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...». 18.25 Дилнавоз садолар. 18.35 «15 дақиқа спорт ҳақида».

18.50 «Замон билан ҳамнафас». 19.05 «Тасаввур олами». 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Калкон». 20.15 Оқшом эртакла-ри. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот».

20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Буюк келажак сари». «Иқтисодийёт чорраҳалари-да». 21.20 Дилнавоз садолар. 21.35 Бухоронинг 2500 йиллигига. «Бухорон Шариф».

22.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали. «Муштарак диллар экран».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Митти юлдазлар». 18.30 «Соғлом авлод учун».

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Кизикчи» ҳақида ўйлар. Публицистик кўрсату-в.

20.15 Оқшом эртакла-ри. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар.

21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодийёт чорраҳалари-да». 21.30 «Ривоят». 21.40 Хиванинг 2500 йилли-гига. «Мехр макони». 1-қисм.

22.00 «Эртага — шанба». 22.15 «Хуш келибсиз». 22.30 «Морена Клара». Теле-сериял. 23.15 Дилнавоз садолар. 23.25 Ўзлонлар.

23.30 «Ахборот». 23.55 Ўзлонлар. 00.15 Тунги тароналар. 00.25—00.30 «Ватан тимсол-лари».

9.00 «Ёрилтош». Мульттўп-лам. 9.15 «Кўзмончок». 9.35 «Кули даргалари». Чарли Чаплин. 9.50 «Дубляж».

10.10 «Олтин кент». 10.25 «Жозоба». 10.40 «Зиндаги ёхуд муҳаб-бат».

11.55 А. С. Пушкин. «Олтин балиқча».

Хоразм давлат кўчирчоқ театрининг спектакли. 12.35 «Эдгар ва Кристина».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Уйку салтанати». Мультфильм.

18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...». 18.25 Дилнавоз садолар. 18.35 «15 дақиқа спорт ҳақида».

18.50 «Замон билан ҳамнафас». 19.05 «Тасаввур олами». 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Калкон». 20.15 Оқшом эртакла-ри. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот».

20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Буюк келажак сари». «Иқтисодийёт чорраҳалари-да». 21.30 «Ривоят». 21.40 Хиванинг 2500 йилли-гига. «Мехр макони». 1-қисм.

22.00 «Эртага — шанба». 22.15 «Хуш келибсиз». 22.30 «Морена Клара». Теле-сериял. 23.15 Дилнавоз садолар. 23.25 Ўзлонлар.

23.30 «Ахборот». 23.55 Ўзлонлар. 00.15 Тунги тароналар. 00.25—00.30 «Ватан тимсол-лари».

9.00 «Ёрилтош». Мульттўп-лам.

9.15 «Кўзмончок». 9.35 «Кули даргалари». Чарли Чаплин. 9.50 «Дубляж».

10.10 «Олтин кент». 10.25 «Жозоба». 10.40 «Зиндаги ёхуд муҳаб-бат».

11.05 Видео — «О». 12.35 — 13.05 «Спорт китъаси».

18.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги. 18.15 Ўзлонлар. 18.20 «Бор экан-да, йўқ экан...».

18.40 «Телевидение ва театр». 19.00 «XXI аср авлодлари». 19.10 «Силлардан ишорат».

19.20 «Бугун кино оқшоми-да». 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Калкон». 20.15 Оқшом эртакла-ри. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот».

20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Буюк келажак сари». «Иқтисодийёт чорраҳалари-да».

17.20 «Таквим».

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 «Мульттўп-лам».

17.55 «Ассалом, болалар!».

18.25 «Котиллик пайда-да». Бадий фильм. 12-серия. 19.15 «Пойинтар-соинтар».

19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Панорама» (рус тилида).

19.55 Ўзлонлар. 20.00 «Илҳом сатрла-ри».

20.05 «Эгиз кўшиқ-лар».

20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Хафтаном».

21.00 «Жараён». 21.20 «Музыка салтана-ти».



Бадий фильм. 14.00—14.05 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Уйку салтанати». Мультфильм.



"Вой, яна мультфильм!"

19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Юзма-юз».

20.15 Оқшом эртакла-ри. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар.

21.00 «Буюк келажак сари». 21.20 «Иймон». 21.40 «Одамлар орасида».

21.30 Ўзлонлар. 21.35 «Панд еди». Бадий фильм (АҚШ).

23.15—23.35 «Ахборот» (рус тилида).

17.15 Янгиликлар. 6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.

20.40 «Музыка ҳамма учун». 21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.

21.30 Ўзлонлар. 21.35 Футбол. Йил матчи. Финал. Чемпионлар лигаси.

«Боруссия» (Германия) — «Ювентус» (Италия). Ёзиб олинган. 23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).

17.10—18.45 Туркия телеви-дениеси.

18.45 «Мульткарусель». 19.00 Ўзлонлар.

19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Теле-сериял. 19.30 «Умид чекалари».

20.00 «Олам ва одам». 20.50 Ўзлонлар. 20.55 «Эльдорадо». Теле-сериял. 21.25 «Қанотлар».

21.45 «Ўтмишсиз келажак йўқ». 22.15 «Жума кун, ишдан сў-нг».

22.55—23.25 «Рангинкамон». РЖТ 6.30 «Хайрли тонг!».

17.20 «Таквим».

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 «Мульттўп-лам».

17.55 «Ассалом, болалар!».

18.25 «Котиллик пайда-да». Бадий фильм. 12-серия. 19.15 «Пойинтар-соинтар».

19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Панорама» (рус тилида).

19.55 Ўзлонлар. 20.00 «Илҳом сатрла-ри».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Уйку салтанати». Мультфильм.



ҚАДАҲДА ЖИМОЛАНГАН ОГУ

Дил сўзлари битилган мактуб диққатини ўзига тортди. Унда бухорлик Рустам Маматов кўнглигиз бир воқеани баён этган: "Кўни кеча бир ташимининг ўғли харбий хизматдан қайтиб келгани муносабати билан уйга тақдир қилди. Айтилган вақтда етиб бордик. Дастурхон устида ноз-неъматларнинг ҳамма туридан бору, фақат спиртли ичимлик йўқ. Утирганлар шундаги огу хусусида кўп гапирди, лекин ҳеч ким ундан олиб келишни сўрамади. Сухбат ширинсуханлик билан ўтди. Эрталоқ уй-ийимизга тарқалдик. Гурунгимиз давомида хонадон соҳибига бир неча бор "қиттак-қиттак қиламизми, оқкелимми?" деб йўлга сўради. Аммо бунга ҳеч ким эътибор бермади. Қарангки, ичкиликнинг зарари ҳақида кўп гап бўлди-ю, уни "мириқиб" ичиш тўғрисида ҳеч ким лолимиз демади.

Бундан бир мунча вақт олдинроқ бундай ўтиришнинг ўзи бўлмасди. Албатта, даврга арок аралашарди. Ичмайман, деганига қарамай йигитнинг омон-эсон қайтганига, ота-онани соғлигига қўрда-қўймай ичиларди. Бунинг устига вақт билан ҳисоб-китоб қилинмай, аллаҳаҳалгача ўтирилди. Бу сафарги ичма ўтириш каминанга маъқул тушди".

Шуни тан олиш керакки, кейинги вақтда ичувчиларга "кенг йўл" очиб қўйилган эди. Қайси дўконга кирмайлик, кўзимиз жилаваланиб турган "огу"ли шиналарга тушарди. Бейхотиёр уларни харид қилардик. Айрим ошонга ва қаҳвахоналар тез-тез "қиттак-қиттак" қилувчиларга макон бўлиб қолган эди. Ресторанларга ин қўйиб олган айрим шахслар эса ярим тунгача ўз қайфларини истаганларча сўришарди. Ҳатто озиқ-овқатлар, сабзавот ва мевалар билан савдо қиладиган дўконларда ҳам ўзбекистон виноларининг истаган тури харид қилинарди. Ҳатто уларни ташвиқот қилиш кучайганди.

Ҳа, юз грамм ичиш-айрим қатъятсиз, кўнгли бўш, ўзини-ўзи идора қила олмайдиган шахсларнинг кўнглик машғулоти айланганди. Эрталаб ишга келгандан бошлаб юз грамм отиш, тушлиқда огу билан кўнгли очиш, қолаверса, ишдан сўнг турт-беш улфат бўлиб чакчақлашиб ўтиришга бир қатор ёшлар хуруж қўйишганди. Ҳатто бу ҳолат шу даражага етиб борган эдики, завод ва фабрикаларда, қурилиш объектларида иш вақти бўлишига қарамай, спиртли ичимликлар бемалол ичилаверарди. Албатта бундай "кўнгли" очилар туфайли яқинда маҳсулотлар сонини кўпайтириш, ахиллик ҳуқи сўрса, имомни қомилки, бахтиёр лаҳзалар бизни асло тарқ этмайди.

Миллатимизга хос анъана бугунги кунда ҳам ўз кўнини йўқотгани йўқ. Одатда биз бирор ташиминини урагасак, уйга, аниқроғи, бир пайла чойга тақдир қиламиз. Аммо айрим кезларда ана шу бир пайла чой жуда қимматга тушиб кетарди. Иссик чой ўрнига оғудан ичиш айрим хонадонларда одат тусига кирганди. Уйга келган меҳмонни китиб, унинг хурмати учун, сиҳат-саломатлиги учун қанчадан-қанча шишалар бўшатиларди. Бундай "чой" ичишларнинг фойдасидан зарари кўп буларди, албатта.

Яқинда бўлиб ўтган бир меҳмондорчилик бамисли ойна жаҳонда кўп бор намойиш этилган воқеани эсладик. Қадрон дўстимиз уйга тақдир қилиб қолди. Бизнинг шарафимизга ёзилган дастурхондаги ширин-шакар ноз-неъматлардан татиб кўрдик. Хуштаъм ичимликлар инди. Сўт улга фақат арок қўйилмаган эди. Шунда илгари "отиб юрган" бир-икки ҳамкасбимиз тез-тез эшикка аниқроғи мез-боннинг қўлига қараб қўйишарди. Улар бир-бирига ўзларича имо қилишиб, ниманга куттишарди. Биз эса аксинча ҳеч нарсага эътибор бермай, ўз сўхбатимиз билан ўзимизни ўзимиз хурсанд қилдик. Утириши охирида томоғи тақиллаган шерикларимиз дили хуфтон бўлганча тарқалишди. Бу урашуш фақат бир-икки бадмаштини ҳисобга олганда, ҳаммамнинг дили-ди эди.

Хўш, айримлар 100 граммга муштоқ бўлишарди. Шу юз зормандасиз кунимиз ўтмай, кўнглимиз жойига тушмайми? Ваҳоланки хозирги кунда тўйларни ҳам спиртли ичимликсиз ўтказишга ҳаракат қилинмоқда. Шишадаги оғусиз ўтган уйин-кулгун маҳалла фаоллари кен жамоатчилик маъқуллайди.

Янгича анъаналарнинг кун сайин ҳаёти-миздан муостаҳкам ўрин олаётгани айни мўддао. Бездар удумларнинг давом эттириш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлиб қолиши керак. Ичкилик ичмидан олдин ишдаги оғунинг зарарини барчамиз ўйлаб кўрсак, ёмон бўлмасди. Унинг турган-битгани кони зарар эканлигини қайта-қайта тақдорлагга ҳоҳат борми? Қайси бир фалокатни олиб қараман, таги ичкиликка бориб тақалади. Қайф устида ҳар ким ҳам "ботир" бўлиб қолишга қодир. Боз устига қапалак умрлик зақв учун чўнтақ қочиш кимга керак?

Турмушимизнинг янада серфайз бўлиши ўз қўлимизда. Ҳар бир инсон ўз ниёти, орзу-уйлари йўлида интилади. Эро, ана шу интилишнинг раво ва зақви бўлиши хушёрликка бориб тақалади. Шундай экан, ҳар бир оилада тинч-товушлик, ахиллик ҳуқи сўрса, имомни қомилки, бахтиёр лаҳзалар бизни асло тарқ этмайди.

Ислом УСМОНОВ

Кўнгли

ИЧМОХАЗА Савдо қилишни биласизми?

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтилган бери савдо соҳасида бир қанча ўзгаришлар рўй берди. Тижоратчилар учун хорижа бориш, у ердан халқ эҳтиёжи молларини юртимизга олиб келишга кенг йўл очилди. Турли тижорат дўконлари, супермаркетлар, бозорлар ҳозир хизматда. Хозир истаган молнингизни топишингиз, харид қилишингиз мумкин. Аммо, сотувчилар муомаласидан ҳар доим ҳам кўнгли тулавермайди. Улар (ҳаммаси ҳам эмас, албатта) баҳо сўрасангиз, "оласизми ўзи" ёки "қами йўқ" каби гаплар билан жавоб қайтаришади. Базилири эса харидорга эътибор бермай, магнитрон овозини баланд қилиб қўйиб қўйиқ эшитиб ўтираверибди. Бундай муомаладан таъбингиз хира бўлади. Шу ерда бир савол туғилади: бизда шарҳона савдо маданияти йўқлиги бормаяптими?

Яқинда ўзбекистонлик бир гуруҳ журналистлар Хиндистоннинг Нью Деҳли шаҳридаги оммавий ахборот воситалари институтида 5 ойлик малака ошириш курсида ўқиб қайтдик. Уқиш давомида Хиндистоннинг бир қанча шахарларига, тарихий жойларига бордик, радио ва телевидение, мағбуот фаолияти билан танишдик. Шунингдек, бозорларини ҳам кўрдик. У ердаги сотувчилар шундай муомала қилишадики, қўйиб ҳайрон қолдик. Баҳо сўрасангиз, дўкон ичкарига тақдир қилишади ҳамда чой ёки муздак ичимлик келтиришади. Кейин эса қандай нарса олишингиз, ўлчамини сўрашади. Сиз олмакчи бўлган молнинг неча хил ранги бўлса ҳаммасини олдингизга уйиб ташлашади. Ва сиз таллаб, ўзингизни қониқтирадиган нарда сотиб оласиз. Чўкиб кетганнингизда сотувчи ахшиллаб мулоззат қилиб, дўкон манзили, қандай нарсалар билан савдо қилиши ёзилган қарточкани (одатда, барча хинд дўкондорларида бундай қарточка бўлади) қўлингизга тутқазди. Сиз ҳам харид қилдингиздан, ҳам сотувчининг мулоззатидан хурсанд бўлиб қиб кетасиз. Шунингдек, уларда ҳар ойда ва ҳар байрам арафасида нархлар 10-15, ҳатто 20-25 фоиз арзонлашади. Бу эса харидор учун ҳам, сотувчи учун ҳам қулай ва фойдали...

Айтиш мумкинки, Хиндистонда савдо-сотувчи яхши йўлга қўйилган. Бунга сабаб нимада? Менимча, ишлаб чиқаришнинг кенглиги ва рақобат бўлса керак. Тўғри, бизда ҳам ҳар иккала омил бор. Лекин, савдо маданияти, харидорнинг кўнглига қарашга уналлик эътибор берилмайди. Бунинг ўрнига ҳамма сотувчилар бир хил нарх айтишга қилишиб олишадида, арзонроқ сотган одамни сиғдиришмайди. Бундан эса кўпроқ харидор қийналади.

Бизнинг сотувчи, тижоратчиларимиз ҳам савдо, муомала маданиятига амал қилишса, харидорлар кўнглини ранжитишмас эвазларимиз янада обод бўлар. Эро, ўзбеклар ўз маданияти, ичм бозорлари билан доврўф қозонам.

Дилшод Асқоров, ТошДУ толиби

Маънавият қалбим қуёши ТУА ВА КИМОТ СОВҒА ҚИЛИШНИ ЁҚТИРАДИГАН БОШЛИҚ

Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Анвар БЕКМУРОДОВ билан бўлган суҳбатимиз одамлардан фарқ қилади. Ҳар доим раҳбарлар билан суҳбатлашганда оиланиқ иш, вазифалари ҳақида биланга қизиқамиз. Бу сўз эса... барча саволлар раҳбар ва оила ҳақида бўлади.

Уз болалигингиз, қизик-қизиларингиз билан фарзандларингизнинг интилишлари бир-биринга тўғри келадими?

Ҳа, айрим жиҳатлари мос келади. Аниқроғи, китобга ўқилим ва ҳаётга қизиқувчанлигим жуда-жуда ўхшайди.

Падари бузрукворингизда қайси фазилат ёки одатни сиз ҳам ўз оилангизда қўллашни ёқтирасиз?

Аслида мендаги кўп фазилат ва одатлар дадамдан ўтган десам тўғрироқ бўлади. Мен дадамнинг интизомга қатъий амал қилиш, масъулиятни ҳис этиш, бошлаган ишни охирига етказиш, талабчанлик каби фазилатларини ёқтираман ва уларни фарзандларимга сиғдиришни истаймман.

Онангизда қайси фазилатни хотинингизда қўришни истайсиз ва уни талаб қиласиз?

Онамдаги андиша, меҳрибонлик, фидойилик, пазандлик каби хислатларни рафиқамда қураман.

Қандай пайтлари оилангизда бўлиб қолганингиз ва фарзандларингизнинг нималар билан машғул бўлаётганини томоша қилдингиз қалади?

Одам умрининг меваси, ҳаётдаги энг азиз ва ширин нарса - фарзанд. Ҳар доим фарзандларим билан бўлгим, суҳбатлашгим, келади.

Жаҳлингиз чиққанини болаларингизга сездириб қўясизми?

Йўқ. Ҳар қанча жаҳлим қичса ҳам, андиша билан иш тутаман. Чўки ахиллик ва хурсандчиликка нима етсин.

Болаларингиз сиз билан бирга бўлишни ёқтиришади деб уйлaysизми?

Албатта. Менинг уйда бўлишим

уларга байрам билан тенг бўлади.

Фақат сизнинг оилангизга хос бўлган одатлар, анъаналар борми?

Кимга қандай, билмадим-у, аммо ҳар қандай байрам, шодиёна дамларда ота-она, қариндошлар ҳолини йўқлаш, ҳар яқшанга кўни фарзандлар кўнглигини текшириш оиламиз одатига айланган.

Кечиримлимизми?

Ҳа, гина-қудратларни ёмон қўраман.

Қайси таомларни яхши қўриб тайёрлайсиз?

Димламани ёқтираман ва ҳузур қилиб тайёрлайман.

Истаган кишингизни уйингизга бемалол етаклаб бора оласизми? Демокчилик, рафиқангиз сиз истаган пайтингизда меҳмонларингизни кутиб оладиган қайфиятда бўла оладими?

Бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай яхши ниёти кишига эшигини доимо очик.

Сизни нималар кўпроқ хафа қилиши мумкин?

Айрим кишилардаги масъулиятсизлик, лоқайдлик, бепарволик мени ранжити.

Кимгадир совға олсангиз, ўзингиз ҳам чин дилдан шодлана оласизми?

Сўрамасангиз ҳам бўлади. Чўнки хурсанд бўлмайдиган одам совға харид қиларидими?

Жуда ёқтириб харид қиладиган нарсангиз кимга аталган бўлади ва у сир бўлмас нима?

Ёқтирадиган ва қалблайдиган совғам - китоб ва гул. Улар рафиқам, ота-онам, дўстларим, фарзандларимга аталган бўлади.

Сиз қандай отасиз? Фарзандларим мени жуда-жуда севишади деб биласизми?

Бу уларнинг ўзига ҳавола. Лекин қайси фарзанд отасини севайди, дейсиз.

Оила ҳақида қайси мақолни ёқтириб айтиб юрасиз?

Ҳотининг сариштаси,— оиланинг фаршштаси".

Гули ЧЕҲРА,

Туркистон мухбири

ЁШЛАР ҲУҚУҚИ ИМТИЁЗЛАР БОР

Ёшим 23 да. Болаликдан ногиронман. Агар ишга жойлашсам қандай имтиёзлар берилади? Яна бир савол: Ногиронлар меҳнати қўлланиладиган корхоналар учун қандай энгиликлар ва имтиёзлар кўзда тутилган?

А. МИРАҲМЕДОВ Тошкент шаҳри.

Ногиронларни иш билан таъминлаш мақсадида давлат идоралари ногиронларнинг касабасига уюшмалари ва жамоат биришмалари иштирокида корхоналарда, ташкилотлар ва муассасаларда ишловчилар сонининг қамиди учун фониз миқдорига ногиронлар учун иш жойларини банд қилиб қўйиш нормаларини белгилайди. "Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида"ги қонуннинг 29-моддасидаги асосан, ногиронлар учун иш жойларини банд қилиб қўйишни таъминлаган ёки уларни ишга жойлаштиришдан буйин товланган корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлар давлат ҳокимиятини маҳаллий идораларига белгиланган тартибда ногиронларни ишга жойлаштириш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ ҳаражатларнинг ўрнини қоплаш учун тўлайдилар.

Ушбу моддада таъкидланганидек, маҳаллий ҳокимият идоралари ва корхоналар уйда ишловчи ногиронларга ҳамда яққа тартибдаги меҳнат билан банд бўлган ногиронларга зарур ёрдам кўрсатишлари шарт.

Ислом УСМОНОВ

ТОЛДУЗЛАР ҚАМОЛАН СЎЗЛАЙДИ

КҮЙ. Душанба, чоршанба ва пайшанба кунлари барча ишингиз бароридан келади. Молиявий аҳволингизни ўнглаб олишингиз ҳам мумкин. Дам олиш кунлари хушхабар ва шодликларга бой бўлиши кўтилмоқда.

БУЗОҚ. Душанба кўни ишда омад кулиб боқад. Сешанбада алдаб кетишлари мумкин. Пайшанбада иқтисодий аҳволингизни ўнглаб олишингиз мумкин. Дам олиш кунларингиз яхши ўтади.

ЭГИЗАКЛАР. Душанба кўни молиявий фаолиятда омад кулиб боқад. Ҳафта ўрталарида соғлигингизни ўйланг. Яқшанба кўни оила аъзоларингизга меҳрибонроқ бўлинг.

ҚИСКИЧБАҚА. Душанба кўни бошлангич билан уришиб қолишингиз мумкин. Сешанба хайрли, чоршанбадан эса ишларингиз юришмаслиги мумкин. Жума, шанба ва яқшанбада қайфиятингиз аъло бўлади.

АРСЛОН. Ҳафта бошида кўп янгиликлардан воқиф бўласиз. Жума кўни ҳамнингиз тўлади. Дам олиш кунлари оилангизда кўнглисизлик содир бўлса ҳаба бўлманг. Ҳаммаси ўткинчи.

ПАРИЗОД. Ҳафта қувончли саргузаштлар билан бошлангич, Ҳафта

ўртасида соғлигингизни асрагн. Жума, шанба кунлари ишингиз бароридан келади.

ТАРОЗУ. Ҳафта давомида ишчанроқ, янада гайратлироқ бўлинг. Ишларингиз юришиб кетади. Хизматда кўтарилишингиз ҳам мумкин.

ЧАЁН. Душанба ва чоршанбада иқтисодий қобилиятингиз намоян бўлади. Пайшанба ва жумада бўладиган урашувдан кўнглингиз кўтарилди. Яқшанба кўни содир бўлажак воқеаларни ҳам ўнғимасангиз керак.

УКОТАР. Душанба ва сешанба хайрли келади. Пайшанба кўни яхшигина пул ишлайсиз. Ҳафта охирида қайфиятингиз ўзгариб туради.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Душанбада молиявий аҳволингиз ўнғланади. Сешанбада асабиллашингиз мумкин. Пайшанба ва жумада унутилмас урашувлар содир бўлса ажаб эмас.

КОВҒА. Душанба ва жумада сизни ишқий саргузаштлар кутади. Пайшанба кўни энг мураккаб ишларга қўл уринг.

БАЛИК. Душанба зиддиятли, омадсиз кун бўлса не ажаб? Чоршанба ва пайшанбада ижодингиз бароридан келади. Шанба кўни оилавий юмушлар билан шуғулланг.

001 ХАБАР ҚИЛАДИ

Баҳор тугаб, эз яқинлашгани кун сайин яққол сезилмоқда. Ҳафта давомида харорат оتما беким юқори бўлиб, 30-33 гаражагача исийди. Жанубга эса кунлар 36 гаражагача қизиб кетади.

"ТУРКИСТОН" газетасига 1997 йилнинг июлини шожани ярми оғун оёқна давом этмоқда. НАИП

ҚИРСАНҚОЧҚИЛОВ

— ташкилотлар учун: 64633

— яққа оёқчилар учун: 64607

"ДЕНТО - СЕРВИС"

Хусусий стоматология поликлиникаси сизга хушқайфият ва рангизга хушбичим кулгу бахш этади

Поликлиникада сизга юқори мақоли мутахассислар замонавий усулларда беминнат хизмат кўради

"Денто - Сервис" сизнинг ва фарзандларингизнинг тишларини тарқисиз ва сифатли даволайди. Қоридан четга чиқиб қолган тишларингизни замонавий усулда текислаб, марвариддек беғубор ҳолатга келтиришни кафолатлайди

Манзиллимиз: Тошкент, Юнус-Обод, 14 квартап, 27 уй. "Баҳодир" кафееси қаршисида.

Тел: 22-00-10

Муассис: **ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ**

Ҳомий: **ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ «МАТБЕУОТ ТАРҚАТИШ УОШМАС» АССОЦИАЦИЯСИ**

Бош Мухаррир **Абдуқодир НИЁЗОВ**

Навбатчи муҳаррир: Феруза ОРИПОВА

ТАХРИРИЯТ:

Қабулхона — 36-56-58; 33-95-97; хатлар бўлими — 36-54-64; таҳрират бўлими — 33-79-69; ижодкор ёшлар бўлими — 36-54-64; спорт, ҳарбий вазоратпарварлик бўлими — 36-58-93, котибият — 36-58-48.

Манзиллимиз: Тошкент, Матбешуор кўчаси, 32-йй Нашир курсатқини 64607

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланши мумкин.

Дизайн устаси **С.ФАЙЗУЛЛАЕВ**